

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ



ПОСТАНОВЛЕНИЕ
ПРЕЗИДЕНТА
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

2019 йил “ 31 ” июль №ПҚ-4411 “ ” 20 г.

**Пиллачилик тармоғида чуқур қайта ишлашни ривожлантириш
бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида**

Сўнгги йилларда республикада пиллачилик соҳасини ривожлантириш, ишлаб чиқариладиган маҳсулотларнинг турларини кенгайтириш, шунингдек, пиллачилик тармоғи корхоналарининг экспорт ва инвестиция фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Амалга оширилаётган чора-тадбирлар пилла хомашёси етиштириш ҳажмини ошириш, уни қайта ишлаш ҳисобига экспортбоп ипак маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш, шунингдек, республикамизнинг чекка ҳудудларидаги аҳоли, айниқса аёллар бандлигини таъминлаш имконини берди.

Шу билан бирга, жаҳон бозори конъюнктурасининг тез фурсатлар билан ўзгариб бораётганлиги, истеъмолчиларнинг талаблари кучаяётганлиги, шунингдек, хорижий бозорларда ўзбек маҳсулотларига бўлган талаб ошаётганлиги пиллачилик соҳасини ривожлантириш бўйича кўрилаётган чора-тадбирларнинг изчил амалга оширилишини талаб қилмоқда.

Пиллачилик тармоғида амалга оширилаётган ислохотларни янада чуқурлаштириш, соҳани жадал ривожлантириш ва диверсификация қилиш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг кластер усулини кенг жорий этиш, пиллани чуқур қайта ишлашда инвестициялар ҳажмини ошириш ҳамда юқори қўшилган қийматли тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенг йўлга қўйиш мақсадида:

1. Қуйидагилар:

пиллачилик кластерини ташкил этишда корхоналарнинг иктисодий фаолият турлари рўйхати 1-иловага мувофиқ;

пиллачилик кластерларини ташкил этадиган “Ўзбекипаксаноат” уюшмаси таркибидаги корхоналар рўйхати 2-иловага мувофиқ;

2019–2025 йилларда “Ўзбекипаксаноат” уюшмаси таркибидаги корхоналар томонидан ипак маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва экспорт қилиш бўйича прогноз параметрлари 3-иловага мувофиқ;

2019–2021 йилларда пиллачилик тармоғида чуқур қайта ишлашни ташкил этиш асосида амалга ошириладиган инвестиция лойиҳалари рўйхати 4-иловага мувофиқ;

пиллачилик соҳасини янада ривожлантириш бўйича амалий чора-тадбирлар режаси 5-иловага мувофиқ маъқуллансин.

2. Белгилаб қўйилсинки:

2022 йил 1 августга қадар пиллачилик тармоғи корхоналарига (уларнинг ваколатли вакилларига) 6-иловага мувофиқ рўйхат бўйича маҳсулотларни АҚШ, Европа Иттифоқи давлатлари ва Туркияга экспорт қилишда ҳаво ва темир йўллари транспортида ташиш харажатларининг 50 фоизгача миқдорини Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан компенсация қилишга субсидиялар тақдим этилади;

“Ўзбекипаксаноат” уюшмаси таркибига кирувчи корхоналар томонидан пилла етиштириш бўйича тузилган шартнома асосида пилла етиштирувчи субъектларга (уларнинг розилиги билан) аванс ҳисобига кейинчалик тайёрланадиган пилла учун тўлов суммасига ўтказган ҳолда етказиб берилган тут ипак курти уруғи ва пилла етиштириш учун зарур бошқа моддий-техника ресурслари ҳамда тут кўчатлари қиймати товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилиш обороти деб ҳисобланмайди;

лизинг асосида қишлоқ хўжалиги техникасини харид қилиш, минерал ўғитлар, уруғлик, ўсимликларни кимёвий ҳимоя қилиш воситалари ва бошқа материал ресурсларини етказиб бериш бўйича фермер хўжаликлари учун назарда тутилган шартлар ҳамда тартиб пиллачилик тармоғи корхоналарига ҳам татбиқ этилади;

2020 йил 1 январдан бошлаб тут дарахтларини ғайриқонуний равишда кесганлик, шикастлантирганлик ёки йўқ қилганлик учун ундирилган жарималарнинг 50 фоизи ҳуқуқбузарлик содир этилган ҳудудда янги тут кўчатларини экиш учун мақсадли йўналтирилади;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 29 ноябрдаги “Маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг экспорт салоҳиятини янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ–5587-сон Фармони 1-бандида назарда тутилган имтиёзлар 2021 йил 1 январга қадар ҳам ипак (ТИФ ТН коди 5002) ва ипак момиғи (ТИФ ТН коди 5003) маҳсулотларига ҳам татбиқ этилади. Бунда, имтиёзларни қўллаш натижасида бўшайдиган маблағлар ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, шу жумладан технологик ускуналар сотиб олиш учун мақсадли тарзда йўналтирилади;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 4 декабрдаги “Республикада пиллачилик тармоғини жадал ривожлантиришни қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ–4047-сон қарори 5-бандида назарда тутилган компенсация тақдим этиш тартиби лойиҳалар қиймати ва сонидан қатъи назар пилла етиштиришни, шу жумладан пилла етиштирувчи фермер хўжаликлари ва касаначиларга бўнак беришни, улар билан якуний ҳисоб-китобларни амалга оширишни ҳамда қурилиш ва реконструкция ишларини молиялаштириш мақсадлари учун ҳам татбиқ этилади ва мазкур тартибнинг амал қилиш муддати 2023 йил 1 январга қадар узайтирилади.

3. “Ўзбекипаксаноат” уюшмаси:

худудларда “Ўзбекипаксаноат” уюшмаси таркибига кирувчи корхоналар томонидан тут кўчатларининг экилиши, ипак курти уруғи ва пилла етиштириш, пиллани чуқур қайта ишлаш, ипак, ипак момиғи ва ипакдан чуқур қайта ишланган маҳсулотлар экспортини амалга ошириш, инвестицияларни жалб этиш ва янги иш ўринларини яратиш бўйича прогноз кўрсаткичларининг тўлиқ бажарилишини мунтазам равишда мониторинг қилиб борсин;

тут кўчатларини экиш, ипак куртини парваришлаш иншоотларини куриш, пилла етиштириш ва уни чуқур қайта ишлашни ташкил қилиш, ипак маҳсулотлари экспортини амалга ошириш ва янги иш ўринлари яратиш бўйича белгиланган кўрсаткичларни таъминлашда сусткашликка йўл қўяётган “Ўзбекипаксаноат” уюшмаси таркибига кирувчи корхоналар бўйича уларга тақдим этилган имтиёзларни қайта кўриб чиқиш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритиб борсин;

тирик пилла етиштирувчилардан етиштирилган тирик пиллани сотиб олиш (уларнинг тирик пилла етиштириш хизмати) нарҳини **2020 йилдан камида 20 фоизга, 2021 йилдан яна камида 10 фоизга** ошириш чораларини кўрсин.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоят ҳокимликлари 2020 йил 1 январга қадар фермер ва дехкон хўжаликларига, қишлоқ хўжалиги ҳамда пахтачилик-тўқимачилик кластерларига ер участкаларини ажратиш тўғрисидаги қарорларда ҳамда ер участкалари ижараси шартномалари (шу жумладан олдин қабул қилинган қарорлар ва тузилган шартномаларда) “Ўзбекипаксаноат” уюшмаси таркибидаги корхоналарнинг мазкур ер участкаларидаги қишлоқ хўжалиги экин майдонлари четида ва йўл бўйида жойлашган тут дарахтларидан пилла етиштириш учун озуқа сифатида фойдаланиш ҳуқуқи назарда тутилишини таъминласин.

5. Ипакчилик илмий-тадқиқот институти тасарруфида Фарғона, Самарқанд, Хоразм, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида насли ипак курти уруғи етиштирувчи муассасалари (кейинги ўринларда – муассасалар) ташкил этилсин.

Белгилансинки, муассасаларнинг молиявий-хўжалик фаолияти билан боғлиқ харажатларини молиялаштириш:

уларнинг хўжалик фаолиятини амалга оширишдан тушадиган маблағлар;

жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳомийлик хайриялари;

халқаро молия институтлари грантлари;

қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади.

6. Фарғона, Самарқанд, Хоразм, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари ҳокимликлари Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги билан биргаликда муассасаларга давлатга тегишли бўш турган биноларда ижара ҳақининг “ноль” ставкасини белгилаган ҳолда зарур майдонларни ажратсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси “Ўзбекипаксаноат” уюшмаси билан биргаликда:

икки ой муддатда тут дарахтларини ғайриқонуний равишда кесганлик, шикастлантирганлик ёки йўқ қилганлик учун ундирилган жарималарнинг 50 фоизи ҳуқуқбузарлик содир этилган ҳудудда янги тут кўчатларини экиш учун мақсадли йўналтириш тартибини ишлаб чиқсин ва тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

2019 йил 1 ноябрга қадар қишлоқ хўжалиги экинлари далалари четидаги ва йўл бўйидаги тут дарахтларини хатловдан ўтказиб, қатъий ҳисобини юритиш ва уларни ғайриқонуний равишда кесиш, шикастлантириш ёки йўқ қилиш ҳолатларининг олдини олиш чораларини кўрсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги Молия вазирлиги ва “Ўзбекипаксаноат” уюшмаси билан биргаликда 2019 йил 1 декабрга қадар давлат бюджети маблағлари ҳисобидан Ипакчилик илмий-тадқиқот институтида “Тут ипак қурти экологияси ва кимёвий захарланиш профилактикаси” лабораториясини ташкил этсин.

9. 2022 йил 1 августга қадар “Ўзбекипаксаноат” уюшмаси таркибидаги корхоналар томонидан ипак қурти уруғларини, истисно тариқасида, “божхона ҳудудидан ташқарида қайта ишлаш” божхона режимига жойлаштиришга рухсат берилсин ҳамда олиб чиқилиши натижасида тайёрланган пиллаларни республика ҳудудига олиб киришда божхона тўловларидан (божхона йиғимларидан ташқари) озод этилсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги:

Ташқи ишлар вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси ва “Ўзбекипаксаноат” уюшмаси билан биргаликда маҳаллий ипак маҳсулотлари экспорт қилинаётган хорижий давлатларнинг божхона тариф ставкаларини таҳлил қилиб, уларни камайтириш масалаларини ушбу давлатлар билан ўтказиладиган ҳукуматлараро комиссияларнинг (қўмиталар, кенгашлар ва ишчи гуруҳлар) кун тартиби ва якуний баённомалари лойиҳаларига киритиш;

“Ўзбекипаксаноат” уюшмаси таркибига кирувчи корхоналарга хорижий давлатларда кўргазма стендларини ташкил қилиш ва халқаро кўргазма-ярмаркаларда иштирок этиш бўйича харажатларини компенсация қилиш чораларини кўрсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги “Худудгазтаъминот” АЖ, “Худудий электр тармоқлари” АЖ ва “Ўзбекипаксаноат” уюшмаси билан биргаликда икки ой муддатда пиллачилик тармоғи корхоналарининг электр энергияси ва газ тармоқларига уланганлиги ҳамда узлуксиз таъминланганлиги ҳолатини ўрганиб чиқиб, мавжуд камчиликларни бартараф этиш бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин.

12. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясига пиллачилик тармоғида хунармандчилик ва касаначилик учун яратилаётган шарт-шароитларни ҳамда ислоҳотларни амалга ошириш жараёнларини оммавий ахборот воситаларида кенг ёритиш, мақолалар чоп этиш, телерадиодастурларни эфирга узатиш ҳамда Интернет тармоқларига жойлаштириш тавсия этилсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига 7-иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

14. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисидаги таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

15. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси Р.А. Гулямов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**



Ш.Мирзиёев

Тошкент шаҳри

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2019 йил 31 июлдаги ПҚ-4411-сон қарорига
1-илова

**Пиллачилик кластерини ташкил этишда корхоналарнинг иқтисодий
фаолият турлари рўйхати**

Т/р	Фаолият тури	ИФУТ бўйича коди
1.	Тут ниҳоли ва кўчати етиштириш	01119
2.	Ипак қуртини кўпайтириш	01251
3.	Ипак толаларини тайёрлаш ва йигириш	17150
4.	Ипак газлама ишлаб чиқариш	17240
5.	Тут чойи ишлаб чиқариш	15860
6.	Гидам ва гилам маҳсулотлари ишлаб чиқариш	17510
7.	Ипак газламадан тайёр кийимлар ишлаб чиқариш	18240

Изоҳ: Мазкур рўйхатга, зарурат бўлганда, "Ўзбекипаксаноат" уюшмаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси билан келишилган ҳолда ўзгартиришлар киритилиши мумкин.

**Пиллачилик кластерларини ташкил этадиган
“Ўзбекипаксаноат” уюшмаси таркибидаги корхоналар
РЎЙХАТИ**

Т/р	Корхоналар номи	Бириктирилган туман (шаҳар) номи
Қорақалпоғистон Республикаси		
1.	“Asia silk” шўъба корхонаси	Амударё
		Беруний
		Қонликўл
		Нукус
		Хўжайли
		Шуманай
		Тахиатош
		Кегейли
2.	“Bustan silk” масъулияти чекланган жамияти	Чимбой
		Тўрткўл
Элликқалъа		
Андижон вилояти		
3.	“Andijan silk co” масъулияти чекланган жамияти қўшма корхонаси	Пахтаобод
		Избоскан
		Андижон
4.	“Royal silk” масъулияти чекланган жамияти	Марҳамат
		Асака
5.	“Andijon-xanoу ipagi” масъулияти чекланган жамияти	Олтинкўл
		Балиқчи
		Бўз
6.	“Xarir tola” масъулияти чекланган жамияти	Улуғнор
		Жалақудук
7.	“Sapfir sanoat” масъулияти чекланган жамияти	Қўрғонтепа
		Хўжаобод
8.	“Jm silk production” масъулияти чекланган жамияти	Шаҳрихон
		Булоқбоши
Бухоро вилояти		
9.	“Bukhara brilliant silk” масъулияти чекланган жамияти	Пешку
		Шофиркон
		Ғиждувон
		Бухоро
		Ромитан

Т/р	Корхоналар номи	Бириктирилган туман (шаҳар) номи
10.	Масъулияти чекланган жамияти шаклидаги Ўзбекистон-Америка-Россия “Romstar” қўшма корхонаси	Жондор
		Олот
		Қорақўл
11.	“Кумушкент ипаги” масъулияти чекланган жамияти	Вобкент
		Когон
Жиззах вилояти		
12.	“Silk expert processing” масъулияти чекланган жамияти	Фориш
		Дўстлик
		Зафаробод
		Пахтакор
13.	“Zomin teks eksport” масъулияти чекланган жамияти	Арнасой
		Мирзачўл
		Ғаллаорол
14.	“Zomin asl ipak tolası” хусусий корхонаси	Бахмал
		Зомин
		Зарбдор
		Ш.Рашидов
		Янгиобод
Қашқадарё вилояти		
15.	“Radiant silk” масъулияти чекланган жамияти	Ғузор
		Дехқонобод
		Қамаши
		Қарши
		Косон
		Миришкор
		Муборак
		Нишон
		Касби
16.	“Shakhrisabz silk production” масъулияти чекланган жамияти	Китоб
		Чирокчи
		Шахрисабз
		Яккабоғ
Навоний вилояти		
17.	“Al-aziz ipagi” масъулияти чекланган жамияти	Конимех
		Навбаҳор
18.	“Xatirchi pilla hazinasi” хусусий корхонаси	Хатирчи
		Нурота
19.	“Qiziltera pilla hazinasi” масъулияти чекланган жамияти	Қизилтепа
20.	“Iprak qurti urug‘i” масъулияти чекланган жамияти	Кармана

Т/р	Корхоналар номи	Бириктирилган туман (шаҳар) номи
Наманган вилояти		
21.	“Verigrowipagi” масъулияти чекланган жамият шаклидаги хорижий корхона	Мингбулок Поп Чуст
22.	“Golden silk” шўъба корхонаси	Наманган Янгиқўрғон Косонсой
23.	“Fabrictex” масъулияти чекланган жамияти	Норин Учқўрғон
24.	“Marjon tola fayz” масъулияти чекланган жамияти	Уйчи
25.	“Oydin ko‘l savdo servis” масъулияти чекланган жамияти	Тўрақўрғон
26.	“Sof ipak invest” масъулияти чекланган жамияти	Чортоқ
Самарқанд вилояти		
27.	“Singapore – Samarkand” масъулияти чекланган жамияти шаклидаги хорижий корхона	Пахтачи Иштихон Қўшрабат
28.	“Sam global silk” масъулияти чекланган жамияти шаклидаги қўшма корхонаси	Булунғур Нуробод Ургут
29.	“Kumush tola” хусусий корхонаси	Жомбой Каттақўрғон
30.	“Samarkand silk ao” масъулияти чекланган жамияти	Нарпай
31.	“Jiloi malika” масъулияти чекланган жамияти	Самарқанд Пайарик
32.	“Elbek t.r.j” масъулияти чекланган жамияти	Пастдарғом
33.	“Oqdaryo ipagi” масъулияти чекланган жамияти	Оқдарё Тайлоқ
Сирдарё вилояти		
34.	“Agro global” масъулияти чекланган жамияти шаклидаги қўшма корхона	Оқолтин Боёвут Сайхунобод Гулистон Сардоба Сирдарё Мирзаобод Ховос
Сурхондарё вилояти		
35.	“Surxon ipagi” масъулияти чекланган жамияти	Ангор Бойсун Жарқўрғон

Т/р	Корхоналар номи	Бириктирилган туман (шаҳар) номи
		Қизирик
		Музработ
		Шеробод
36.	Масъулияти чекланган жамият шаклидаги “Inter silk pro” Ўзбекистон-Хитой қўшма корхонаси	Термиз
		Қумқўрғон
		Олтинсой
		Шўрчи
37.	“Sino silk” масъулияти чекланган жамияти	Денов
		Узун
		Сариосиё
Тошкент вилояти		
38.	Масъулияти чекланган жамияти шаклидаги “Ravnaq-silk” қўшма корхонаси	Бекобод
39.	“Turan silk” масъулияти чекланган жамият	Бўка
		Ўртачирчиқ
40.	“Bio Farm Elit” масъулияти чекланган жамият	Янгийўл
		Чиноз
41.	“Jinjuz silk co” масъулияти чекланган жамият шаклидаги хорижий корхона	Оҳангарон
		Юкориичирчиқ
		Пискент
42.	“Oqqo‘rg‘on-ipagi” масъулияти чекланган жамияти	Оққўрғон
43.	“Pure Silk” масъулияти чекланган жамияти	Қуйичирчиқ
44.	“Jm boston silk” масъулияти чекланган жамияти	Бўстонлик
Фарғона вилояти		
45.	“Nurli tong silk” масъулияти чекланган жамияти	Бешариқ
		Данғара
		Ўзбекистон
		Қўштепа
		Фуркат
		Қувасой ш.
46.	“Капитал инвестком” масъулияти чекланган жамияти қошидаги “Водил ипак йигирув” шўъба корхонаси	Бағдод
		Олтиариқ
		Фарғона
		Фарғона ш.
		Қува
		Бувайда
47.	“Marg‘ilon silk vats” масъулияти чекланган жамияти	Тошлоқ
		Ёзёвон
48.	“Ёдгорлик” масъулияти чекланган жамияти	Риштон
49.	“Водий маржони” хусусий корхонаси	Сўх
		Учқўприқ

Т/р	Корхоналар номи	Бириктирилган туман (шаҳар) номи
Хоразм вилояти		
50.	“Хоразм ипаги” масъулияти чекланган жамияти	Боғот
		Ҳазорасп
		Хонқа
51.	“Khiva silk fabric” масъулияти чекланган жамияти	Гурлан
		Шовот
		Қўшқўпир
		Хива
52.	“Хоразм pilla xolding” масъулияти чекланган жамият	Урганч
		Янгиарик
		Янгибозор

Изоҳ: Мазкур рўйхатга, зарурат бўлганда, “Ўзбекипаксаноат” уюшмаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси билан келишилган ҳолда ўзгартиришлар киритилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2019 йил 31 июлдаги ПҚ-4411-сон қарорига
3-илова

**2019 – 2025 йилларда “Ўзбекипаксаноат” уюшмаси таркибидаги корхоналар томонидан
ипак маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва экспорт қилиш бўйича
ПРОГНОЗ ПАРАМЕТРЛАРИ**

Т/р	Маҳсулотлар номи	Ўлчов бирлиги	2018 й. (ҳақиқатда)	2019 й. (прогноз)	2020 й. (прогноз)	2021 й. (прогноз)	2022 й. (прогноз)	2023 й. (прогноз)	2024 й. (прогноз)	2025 й. (прогноз)	Ўсиш суръати %, (2018–2025 йиллар оралигида)
I.	Хом, ярим тайёр ва тайёр маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажми	минг АҚШ долл. экв.	172 472,2	193 364,3	291 995,5	372 570,6	441 374,8	600 956,8	776 902,1	977 936,7	5,7 баравар
1.	Тирик пилла	тонна	18 000	19 250	24 750	27 500	28 050	28 600	29 500	30 000	1,7 баравар
2.	Хом ипак	тонна	1 910	2 037	2 619	2 910	2 968,2	3 027,6	3 118,4	3 180,8	1,7 баравар
3.	Ипак момиги	тонна	511,3	679	873	970	989,4	1 009,2	1 039,5	1 060,3	2,1 баравар
4.	Калаваланган ипак ип	тонна	261,3	359,3	770	998,2	1 309	1 631,9	1 833,6	2 182	8,4 баравар
5.	Ипак мато	минг п.м	2 933	4 033	8 643	11 204	14 398,7	17 950,4	20 169,8	24 002	8,2 баравар
6.	Ипак гиламлари	дона	60	90	129	528	1 254	1 568	1 960	2 450	40,8 баравар
7.	Тайёр ипакли маҳсулот	минг дона	60,5	403,3	770,5	1 145,1	1 977	5 522,5	6 931	12 557,3	207,6 баравар
II.	Ипак маҳсулотларининг экспорт ҳажми	минг АҚШ долл.	50 737,2	65 209,2	73 812,3	86 670	151 886,7	216 490,3	336 650,5	515 922,1	10,2 баравар

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2019 йил 31 июлдаги ПҚ-4411-сон қарорига
4-илова

**2019 – 2021 йилларда пиллачилик тармоғида чуқур қайта ишлашни ташкил этиш асосида
амалга ошириладиган инвестиция лойиҳалари
РЎЙХАТИ**

млн. АҚШ доллар

Т/р	Лойиҳалар ва ташаббускорлар номи	Йиллик лойиҳа қуввати	Амалга ошириш муддати	Жами лойиҳа қиймати	шу жумладан, молиялаштириш манбалари бўйича		
					Ўз маблағлари	тижорат банклари кредитлари	хорижий инвестиция
Жами (59 лойиҳа)				151,5	67,4	48,1	36,0
Қорақалпоғистон Республикаси (3 та лойиҳа)				6,3	2,9	2,9	0,5
1.	“Asia Silk” ШК да ипакли маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ташкил этиш	Ипак мато - 300 минг п.м.	2020 йил 4-чорак	1,3	0,7	0,6	
		Ипак момиғи - 18,4 тн	2019 йил 4-чорак				
2.	“Bustan silk” МЧЖда ипакли маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ташкил этиш	Хом ипак - 48 тн	2019 йил 3-чорак	4,0	2,0	2,0	
		Ипак момиғи - 18,4 тн	2020 йил 2-чорак				
		Эшилган ипак ипи - 9,2 тн Ипак гилам - 50 кв.метр	2021 йил 3-чорак				
3.	“Turtkul Silk worm Pro” МЧЖда саноатбоп ипак курти уруғи ишлаб чиқаришни ташкил этиш	Саноатбоп ипак курти уруғи - 20 минг кути	2020 йил 2-чорак	1,0	0,25	0,25	0,5
Андижон вилояти (7 та лойиҳа)				12,2	6,4	3,0	2,8
4.	“Andijan silk co” МЧЖда ипакли маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ташкил этиш	Ипак мато - 691,2 минг п.м.	2019 йил 4-чорак	3,0	2,5		0,5

5.	“Royal silk” МЧЖда ипакли маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ташкил этиш	Ипак мато - 150 минг п.м.	2020 йил 4-чорак	0,7	0,7		
		Ипак момиғи - 9,2 тн	2020 йил 2-чорак				
6.	“Andijon-xanoу ipagi” МЧЖда ипакли маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ташкил этиш	Ипак мато - 300 минг п.м.	2020 йил 4-чорак	1,4	0,7	0,7	
		Ипак момиғи - 27,6 тн	2020 йил 1-чорак				
7.	“Xarir tola” МЧЖда ипакли маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ташкил этиш	Ипак мато - 82,8 минг п.м.	2020 йил 4-чорак	0,4	0,4		
8.	“Sapfir sanoat” МЧЖда ипакли маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ташкил этиш	Ипак мато - 150 минг п.м.	2020 йил 4-чорак	0,7	0,4	0,3	
		Ипак момиғи - 9,2 тн	2020 йил 2-чорак				
9.	“JM Silk Production” МЧЖда ипакли маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ташкил этиш	Хом ипак - 48 тн	2019 йил 3-чорак	5,0	1,5	1,5	2,0
		Ипак момиғи - 18,4 тн	2020 йил 2-чорак				
		Эшилган ипак ипи - 9,2 тн Ипак гилам - 50 кв.метр	2021 йил 3-чорак				
10.	“RK Silk Corporation” МЧЖда ипакли маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ташкил этиш	Эшилган ипак ип - 9,2 тн Ипак мато - 165,8 минг п.м.	2019 йил 4-чорак	1,0	0,2	0,5	0,3
Бухоро вилояти (3 та лойиҳа)				38,0	10,0	8,0	20,0
11.	“Bukhara brilliant silk” МЧЖда ипакли маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ташкил этиш	Ипак мато - 500 минг п.м.	2019 йил 4-чорак	35,0	7,5	7,5	20,0
		Ипак матога ранг бериш ва гул босиш - 150 минг п.м.	2020 йил 3-чорак				
		Ипакли тайёр кийим-кечак - 600 минг дона	2021 йил 3-чорак				

12.	“Romstar” МЧЖ ҚКда ипакли маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ташкил этиш	Ипак мато - 600 минг п.м.	2020 йил 4-чорак	2,0	1,5	0,5	
13.	“Кумушкент ипаги” МЧЖда ипакли маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ташкил этиш	Ипак мато - 225 минг п.м.	2019 йил 4-чорак	1,0	1,0		
Жиззах вилояти (3 та лойиҳа)				5,7	2,9	2,2	0,6
14.	“Silk expert processing” МЧЖда ипакли маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ташкил этиш	Ипак момиғи - 18,4 тн	2020 йил 2-чорак	1,3	0,7		0,6
		Ипак мато - 276,5 минг п.м	2021 йил 1-чорак				
15.	“Zomin Teks Eksport” МЧЖда ипакли маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ташкил этиш	Хом ипак - 48 тн	2019 йил 3-чорак	4,0	2,0	2,0	
		Эшилган ипак ипи - 9,2 тн Ипак гилам - 35 кв.метр	2020 йил 3 -чорак				
		Ипак мато - 55,2 минг п.м .	2021 йил 4-чорак				
16.	“Zomin asl ipak tolası” МЧЖда ипакли маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ташкил этиш	Ипак мато - 55,2 минг п.м	2021 йил 1-чорак	0,4	0,2	0,2	
Қашқадарё вилояти (3 та лойиҳа)				7,7	6,4	1,3	
17.	“Radiant silk” МЧЖ ҚКда ипакли маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ташкил этиш	Ипак мато - 165,6 минг п.м.	2019 йил 4-чорак	0,7	0,4	0,3	
18.	“Shakhrisabz silk production” МЧЖ Шахрисабз туманида ипакли маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ташкил этиш	Хом ипак - 48 тн	2019 йил 3-чорак	5,0	5,0		
		Эшилган ипак ипи - 9,2 тн	2020 йил 3-чорак				
		Ипак мато - 55,2 минг п.м. Ипак гилам - 35 кв.метр	2021 йил 4-чорак				

19.	“Shakhrisabz Silk worm Pro” МЧЖда саноатбоп ипак курти уруғи ишлаб чиқаришни ташкил этиш	Саноатбоп ипак курти уруғи - 20 минг кути	2019 йил 4-чорак	2,0	1,0	1,0	
Навоий вилояти (4 та лойиҳа)				2,5	1,4	1,1	
20.	“Al-aziz ipagi” МЧЖда ипакли маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ташкил этиш	Ипак мато - 150 минг п.м.	2020 йил 4-чорак	0,7	0,4	0,3	
21.	“Хатирчи пилла хазинаси” ХКда ипакли маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ташкил этиш	Ипак мато - 300 минг п.м.	2020 йил 4-чорак	1,3	0,7	0,6	
22.	“Qiziltepa pilla hazinasi” МЧЖда ипакли маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ташкил этиш	Ипак мато – 55,2 минг п.м.	2020 йил 4-чорак	0,3	0,2	0,1	
23.	“Irak qurti urug‘i” МЧЖда ипак курти уруғи ишлаб чиқаришни ташкил этиш	Саноатбоп ипак курти уруғи – 20 минг кути	2020 йил 2-чорак	0,2	0,1	0,1	
Наманган вилояти (6 та лойиҳа)				11,7	6,4	4,8	0,5
24.	“Verigrowipagi” МЧЖ ҚҚда ипак мато ишлаб чиқаришни ташкил этиш	Ипак мато – 82,8 минг п.м.	2020 йил 4-чорак	0,5			0,5
25.	“Golden silk” ШКда ипакли маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ташкил этиш	Хом ипак - 48 тн Ипак момиғи - 18,4 тн	2019 йил 4-чорак	5,0	2,6	2,4	
		Эшилган ипак ипи - 9,2 тн Ипак гилам - 50 кв.метр	2020 йил 2-чорак				
		Ипак мато - 55,2 минг п.м.	2021 йил 3-чорак				
26.	“Fabrictex” МЧЖда ипакли маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ташкил этиш	Ипакли тайёр кийим-кечак - 1000 дона	2020 йил 1-чорак	0,3	0,3		
		Ипак мато - 55,2 минг п.м.	2020 йил 3-чорак				

27.	“Marjon tola fayz” МЧЖда ипакли маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ташкил этиш	Ипак мато - 55,2 минг п.м.	2020 йил 3-чорак	0,3	0,3		
28.	“Oydin ko‘l savdo servis” МЧЖда ипакли маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ташкил этиш	Хом ипак - 48 тн	2020 йил 2-чорак	0,6	0,6		
		Ипак момиғи - 9,2 тн тн	2020 йил 3-чорак				
		Ипак мато - 55,2 минг п.м.	2020 йил 2-чорак				
		Ипак эшиш - 12,9 тн	2020 йил 2-чорак				
29.	“Sof ipak invest” МЧЖда ипакли маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ташкил этиш	Хом ипак - 48 тн Ипак момиғи - 18,4 тн	2019 йил 4-чорак	5,0	2,6	2,4	
		Эшилган ипак ипи - 9,2 тн Ипак гилам - 50 кв.метр	2020 йил 3-чорак				
		Ипак мато - 55,2 минг п.м.	2021 йил 4-чорак				
Самарқанд вилояти (7 та лойиҳа)				8,5	5,1	2,7	0,7
30.	“Singapore – Samarkand” МЧЖда ипак мато ишлаб чиқаришни ташкил этиш	Ипак мато - 55,2 минг п.м	2020 йил 2-чорак	0,3			0,3
31.	“Sam global silk” МЧЖда ипакли маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ташкил этиш	Ипак мато - 55,2 минг п.м Эшилган ипак ипи - 46 тн	2021 йил 2-чорак	0,4			0,4
32.	“Kumush tola” ХКда ипакли маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ташкил этиш	Ипак мато - 150 минг п.м.	2019 йил 4-чорак	0,7	0,7		
33.	“Samarkand silk ao” МЧЖда ипакли маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ташкил этиш	Хом ипак - 48 тн	2019 йил 3-чорак	5,0	3,0	2,0	
		Эшилган ипак ипи - 9,2 тн Ипак гилам - 35 кв.метр	2020 йил 3-чорак				
		Ипак мато - 55,2 минг п.м.	2021 йил 3-чорак				

34.	“Jiloi malika” МЧЖда ипакли маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ташкил этиш	Ипак мато - 300 минг п.м.	2019 йил 4-чорак	0,9	0,4	0,5	
35.	“Elbek t.r.j” МЧЖда ипакли маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ташкил этиш	Ипак мато - 150 минг п.м.	2019 йил 4-чорак	0,7	0,7		
		Ипак момиғи - 9,2 тн	2019 йил 4-чорак				
36.	“Oqdaryo ipagi” МЧЖда ипакли маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ташкил этиш	Ипак мато – 55,2 минг п.м. Эшилган ипак ипи - 9,2 тн	2020 йил 3-чорак	0,5	0,3	0,2	
		Ипакли тайёр кийим-кечак - 1 000 дона	2020 йил 4-чорак				
Сирдарё вилояти (1 та лойиҳа)				2,0	2,0		
37.	“Agro global” МЧЖда ипакли маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ташкил этиш	Хом ипак - 48 тн	2021 йил 2-чорак	2,0	2,0		
		Ипак мато - 345,6 минг п.м.	2020 йил 4-чорак				
		Ипак момиғи - 18,4 тн	2020 йил 4-чорак				
Сурхондарё вилояти (4 та лойиҳа)				16,4	5,2	7,0	4,2
38.	“Surxon ipagi” МЧЖда ипакли маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ташкил этиш	Хом ипак - 72 тн	2020 йил 2-чорак	1,0	1,0		
		Ипакли тайёр кийим-кечак - 405 000 дона	2019 йил 4-чорак				
39.	“Inter silk pro” МЧЖ ҚЖда ипакли маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ташкил этиш	Ғумбак ёғи - 9 тн	2021 йил 2-чорак	0,4	0,2		0,2
40.	“Sino silk” МЧЖда ипакли маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ташкил этиш	Хом ипак - 48 тн	2020 йил 2-чорак	5,0	2,0	3,0	
		Эшилган ипак ипи - 9,2 тн Ипак гилам - 35 кв.метр	2020 йил 3-чорак				
		Ипак мато - 55,2 минг п.м.	2021 йил 3-чорак				

41.	“Silk Road Text” МЧЖда ипакли маҳсулотларни ишлаб чиқаришни ташкил этиш	Ипак мато - 120 минг п.м.	2019 йил 4-чорак	10,0	2,0	4,0	4,0
		Ипак матога ранг бериш ва гул босиш - 120 минг п.м. Ипак гилам - 60 кв.метр	2020 йил 4-чорак				
		Ипакли тайёр кийим-кечак - 10 000 дона	2021 йил 2-чорак				
Тошкент вилояти (9 та лойиҳа)				18,8	7,0	6,3	5,5
42.	“Ravnaq-silk” МЧЖ ҚКда ипакли маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ташкил этиш	Ипак матога ранг бериш ва гул босиш - 350 минг п.м.	2019 йил 4-чорак	0,7	0,7		
43.	“Turan silk” МЧЖда ипакли маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ташкил этиш	Ипакдан ёпинғичлар ишлаб чиқариш – 5 00 дона	2020 йил 1-чорак	0,2	0,1	0,1	
44.	“Bio Farm Elit” МЧЖ томонидан Янгийўл туманида ипакли маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ташкил этиш	Хом ипак - 24 тн	2019 йил 4-чорак	2,0	1,0	1,0	
		Эшилган ипак ипи - 9,2 тн Ипак гилам - 35 кв.метр Тут баргидан чой - 10 тн	2020 йил 2-чорак				
		Ипак мато - 55,2 минг п.м.	2021 йил 3-чорак				
45.	“Bio Farm Elit” МЧЖ томонидан Чиноз туманида ипакли маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ташкил этиш	Хом ипак - 24 тн	2019 йил 4-чорак	3,0	1,5	1,5	
		Ипак гилам - 35 кв.метр	2020 йил 3-чорак				
		Ипак мато - 55,2 минг п.м.	2021 йил 3-чорак				

46.	“Jinjuz silk co” МЧЖда ипакли маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ташкил этиш	Хом ипак - 48 тн	2019 йил 3-чорак	5,5			5,5
		Эшилган ипак ипи - 9,2 тн	2020 йил 3-чорак				
		Ипак мато - 55,2 минг п.м.	2021 йил 3-чорак				
47.	“Oqqo'rg'on-iragi” МЧЖда ипакли маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ташкил этиш	Хом ипак - 24 тн	2019 йил 4-чорак	2,4	1,2		1,2
		Ипак гилам - 35 кв.метр	2020 йил 3-чорак				
		Ипак мато - 55,2 минг п.м.	2021 йил 3-чорак				
48.	“Pure Silk Fabric” МЧЖда ипакли маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ташкил этиш	Хом ипак - 24 тн	2019 йил 4-чорак	2,0	1,0		1,0
		Ипак гилам - 35 кв.метр	2020 йил 3-чорак				
		Ипак мато - 55,2 минг п.м.	2021 йил 3-чорак				
49.	“Jm boston silk” МЧЖда саноатбоп ипак курти уруғи ишлаб чиқаришни ташкил этиш	Саноатбоп ипак курти уруғи - 20 минг кути	2020 йил 2-чорак	1,0	0,5		0,5
50.	“Toshkent Silk Pro” МЧЖда ипакли маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ташкил этиш	Хом ипак - 24 тн	2019 йил 4-чорак	2,0	1,0		1,0
		Ипак гилам - 35 кв.метр	2020 йил 3-чорак				
		Ипак мато - 55,2 минг п.м.	2021 йил 3-чорак				

Фарғона вилояти (5 та лойиха)				12,7	6,3	5,7	0,7
51.	“Nurli tong silk” МЧЖда ипакли маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ташкил этиш	Хом ипак - 24 тн	2019 йил 4-чорак	5,0	3,0	2,0	
		Ипак гилам - 35 кв.метр	2020 йил 3-чорак				
		Ипак мато - 55,2 минг п.м.	2021 йил 3-чорак				
52.	“Водил ипак йигирув” ШКда ипакли маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ташкил этиш	Ипак мато - 300 минг п.м.	2020 йил 4-чорак	1,3	0,6		0,7
53.	“Marg‘ilon silk vats” ХКда ипакли маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ташкил этиш	Ипак мато - 82,8 минг п.м.	2020 йил 4-чорак	0,7			0,7
		Ипак матога ранг бериш ва гул босиш - 55,2 минг п.м.	2020 йил 1-чорак				
54.	“Ёдгорлик” МЧЖда ипакли маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ташкил этиш	Хом ипак - 48 тн	2019 йил 4-чорак	5,0	2,0	3,0	
		Ипак гилам - 35 кв.метр	2020 йил 3-чорак				
		Ипак мато - 55,2 минг п.м.	2021 йил 3-чорак				
55.	“Водий маржони” ХКда ипакли маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ташкил этиш	Хом ипак - 24 тн	2020 йил 3-чорак	0,7	0,7		
		Ипак момиғи - 27,6 тн	2020 йил 4-чорак				
		Ипак мато - 150 минг п.м.	2019 йил 4-чорак				
Хоразм вилояти (4 та лойиха)				9,0	5,4	3,1	0,5
56.	“Хоразм ипаги” МЧЖ да ипакли маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ташкил этиш	Ипак мато - 300 минг п.м.	2020 йил 4-чорак	1,3	0,7	0,6	

57.	“Khiva silk fabric” МЧЖ да ипакли маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ташкил этиш	Ипак момиғи - 27,6тн	2021 йил 2-чорак	1,7	1,7		
		Ипак мато - 345,6 минг п.м.	2020 йил 4-чорак				
58.	“Xorazm pilla xolding” МЧЖ да ипакли маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ташкил этиш	Хом ипак - 48 тн	2019 йил 4-чорак	5,0	2,5	2,5	
		Ипак гилам - 40 кв.метр	2020 йил 3-чорак				
		Ипак мато - 55,2 минг п.м.	2021 йил 3-чорак				
59.	“Urganch ipak qurti urugu” МЧЖда саноатбон ипак курти уруғи ишлаб чиқаришни ташкил этиш	Саноатбон ипак курти уруғи - 20 минг қути	2019 йил 3 -чорак	1,0	0,5		0,5

Изоҳ: Лойиҳаларнинг қиймати ва молиялаштириши манбаларига лойиҳалар бўйича техник иқтисодий асослантириши ишлаб чиқилгандан сўнг ва шартномалар имзолаш натижаларига асосан ўзгартиришлар киритилиши мумкин.

**Пиллачилик соҳасини янада ривожлантириш бўйича амалий
ЧОРА-ТАДБИРЛАР РЕЖАСИ**

Т/р	Чора-тадбир	Ижро муддати	Ижро учун масъул	Назорат учун масъул
1.	Мазкур қарорнинг 2-иловасидаги рўйхат бўйича ҳудудларга бириктирилган корхоналарда пиллачилик кластерларини ташкил этиш ва уларга тегишли ҳудудлардаги тутзорларни бириктириб бериш.	2019 йил 1 декабрь	“Ўзбекипаксаноат” уюшмаси (<i>Шарипов</i>), Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (<i>Ходжаев</i>), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси (<i>Ваҳобов</i>)
2.	Ҳар бир ҳудудда пиллачилик кластерлари учун тутзорлар ташкил этиш учун 2019–2021 йилларда ер майдони ажратиш, шу жумладан: 2019 йилда – 5 549 га; 2020 йилда – 8 699 га; 2021 йилда – 5 790 га.	2019-2021 йиллар	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси (<i>Ваҳобов</i>)
3.	Пиллачилик кластерларида мазкур қарорнинг 1-иловасига мувофиқ иқтисодий фаолият турларини ташкил қилиш чораларини кўриш.	2019-2021 йиллар	“Ўзбекипаксаноат” уюшмаси (<i>Шарипов</i>), Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги (<i>Ходжаев</i>)	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси (<i>Ваҳобов</i>)
4.	Ҳудудлардаги гиламчилик ва саноат хунармандчилиги билан банд бўлган субъектларни аниқлаш ва пиллачилик кластерларига бириктириш.	2019 йил 1 октябрь	“Ўзбекипаксаноат” уюшмаси (<i>Шарипов</i>), “Хунарманд” уюшмаси раиси (<i>Абдуллаев</i>)	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси (<i>Қўчқоров, Ваҳобов</i>)
5.	1. Ипакчилик илмий-тадқиқот институти тасарруфида Фарғона, Самарқанд, Хоразм, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида насли ипак қурти уруги етиштирувчи муассасаларини ташкил этиш.	2019 йил 1 октябрь	“Ўзбекипаксаноат” уюшмаси (<i>Шарипов</i>), Инновацион ривожланиш вазирлиги (<i>Абдурахмонов</i>)	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси (<i>Ваҳобов, Абдуллаев</i>)

	2. Ташкил этилган насли ипак курти уруғи етиштирувчи муассасаларига давлатга тегишли бўш турган биноларда ижара ҳақининг “ноль” ставкасини белгилаган ҳолда зарур майдонларни ажратиш.	2019 йил 1 декабрь	Фарғона (<i>Ганиев</i>), Самарқанд (<i>Турдимов</i>), Хоразм (<i>Эрманов</i>), Қашқадарё (<i>Рўзиев</i>) ва Сурхондарё (<i>Боболов</i>) вилоятлари ҳокимликлари, Давлат активларини бошқариш агентлиги (<i>Хайдаров</i>)	
6.	Озуқа базасини мустаҳкамлаш мақсадида 2019–2021 йилларда 100 млн туп тут кўчатларини экиш, шу жумладан: 2019 йилда – 20 млн туп; 2020 йилда – 40 млн туп; 2021 йилда – 40 млн туп.	2019-2021 йиллар	“Ўзбекипаксаноат” уюшмаси (<i>Шарипов</i>), Ўзбекистон Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши (<i>Хаитов</i>), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси (<i>Кўчқоров</i> , <i>Ваҳобов</i>)
7.	Тут дарахтларини ғайриқонуний равишда кесганлик, шикастлантирганлик ёки йўқ қилганлик учун ундирилган жарималарнинг 50 фоизи ҳуқуқбузарлик содир этилган ҳудудда янги тут кўчатларини экиш учун мақсадли йўналтириш тартибини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига кириш.	2019 йил 1 октябрь	Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси (<i>Кўчқоров</i>), “Ўзбекипаксаноат” уюшмаси (<i>Шарипов</i>)	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси (<i>Ваҳобов</i>)
8.	Пилла етиштириш ҳажмини ошириш мақсадида қўшни давлатларда маҳаллий ипак куртини парвариш қилишни жорий қилиш ва уни қайта ишлаш учун Ўзбекистонга олиб кириш, шу жумладан: 2019 йилда – 5 000 қути; 2020 йилда – 10 000 қути; 2021 йилда – 15 000 қути.	2019-2021 йиллар	“Ўзбекипаксаноат” уюшмаси (<i>Шарипов</i>), Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (<i>Ходжаев</i>), Давлат божхона қўмитаси (<i>Азимов</i>)	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси (<i>Кўчқоров</i> , <i>Ваҳобов</i>)
9.	Мазкур қарорнинг 4-иловасига мувофиқ пиллачилик тармоғи корхоналарига инвестицияларни жалб қилиш орқали қўшимча қувватларни ташкил этиш.	2019-2021 йиллар	“Ўзбекипаксаноат” уюшмаси (<i>Шарипов</i>), Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (<i>Умурзоқов</i>)	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси (<i>Ганиев</i>)
10.	“Ўзбекипаксаноат” уюшмаси таркибига кирувчи корхоналарнинг лойиҳаларини молиялаштириш мақсадида ажратиладиган банк кредитлари фоиз харажатларини қоплаш учун компенсация тақдим этиб борилишини таъминлаш.	Мурожаатга асосан	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси (<i>Исмоилов</i>), Тижорат банклари	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси (<i>Кўчқоров</i>)

11.	Тутзорларга ишлов берувчи пиллачилик тармоғи корхоналарига лизинг асосида қишлоқ хўжалиги техникаларини харид қилишда, минерал ўғитлар, уруғлик, ўсимликларни кимёвий ҳимоя қилиш воситалари ва бошқа материал ресурсларини олишда фермер хўжаликлари учун назарда тутилган шартлар асосида берилишини таъминлаш.	Мурожаатга асосан	Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (<i>Ходжаев</i>), “Ўзагротехсаноатҳолдинг” АЖ (<i>Отажонов</i>), “Ўзагрокимёхимоя” АЖ (<i>Исаев</i>), Молия вазирлиги (<i>Ишметов</i>)	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси (<i>Кўчқоров, Ваҳобов</i>)
12.	Пиллачилик тармоғи корхоналарига мазкур қарорнинг 6-иловасидаги маҳсулотларни АҚШ, Европа Иттифоқи давлатлари ва Туркияга экспорт қилишда ҳаво ва темир йўллари транспортида ташиш харажатларининг 50 фоизигача миқдорини Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан компенсация қилишга субсидиялар тақдим этиш.	Мурожаатга асосан	Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (<i>Умурзоқов</i>), Молия вазирлиги (<i>Ишметов</i>)	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси (<i>Ғаниев, Кўчқоров</i>)
13.	Пиллачилик корхоналари томонидан экспорт қилинган хом ипак ва ипак момиғи маҳсулотлари ҳажмига тўғри келадиган фойда қисми фойда солиғидан озод қилиниши натижасида бўшайдиган маблағлар ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, шу жумладан технологик ускуналар сотиб олиш учун мақсадли тарзда йўналтирилганлигини доимий мониторинг қилиб бориш.	Доимий	Давлат солиқ қўмитаси (<i>Мусаев</i>), “Ўзбекипаксаноат” уюшмаси (<i>Шарипов</i>)	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси (<i>Кўчқоров</i>)
14.	Фермер ва деҳқон хўжаликларига, қишлоқ хўжалиги ҳамда пахтачилик-тўқимачилик кластерларига ер участкаларини ажратиш тўғрисидаги қарорларда ҳамда ер участкалари ижараси шартномаларида “Ўзбекипаксаноат” уюшмаси таркибидаги корхоналарнинг мазкур ер участкаларидаги қишлоқ хўжалиги экин майдонлари четида ва йўл бўйида жойлашган тут	2020 йил 1 январь	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари, “Ўзбекипаксаноат” уюшмаси (<i>Шарипов</i>), Ўзбекистон Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши (<i>Хаитов</i>)	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси (<i>Кўчқоров</i>)

	дарахтларидан пилла етиштириш учун озуқа сифатида фойдаланиш ҳукуки назарда тутилишини таъминлаш.			
15.	<p>1. “Ўзбекипаксаноат” уюшмаси таркибига кирувчи корхоналарга хорижий давлатларда кўргазма стендларини ташкил қилиш ва халқаро кўргазма-ярмаркаларда иштирок этиш бўйича харажатларни компенсация қилиш тартибини ишлаб чиқиш;</p> <p>2. Белгиланган тартиб асосида “Ўзбекипаксаноат” уюшмаси таркибига кирувчи корхоналарнинг хорижий давлатларда кўргазма стендларини ташкил қилиш ва халқаро кўргазма-ярмаркаларда иштирок этиш бўйича харажатларини компенсация қилиб бориш.</p>	<p>2019 йил 1 сентябрь</p> <p>Мурожаат асосида</p>	<p>Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (<i>Умурзоқов</i>), Молия вазирлиги (<i>Ишметов</i>)</p> <p>Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (<i>Умурзоқов</i>), “Ўзбекипаксаноат” уюшмаси (<i>Шарипов</i>)</p>	<p>Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси (<i>Қўчқоров</i>)</p>
16.	Маҳаллий ипак маҳсулотлари экспорт қилинаётган хорижий давлатларнинг божхона тариф ставкаларини таҳлил қилиб, уларни камайтириш масалаларини ушбу давлатлар билан ўтказиладиган ҳукуматлараро комиссияларнинг (кўмиталар, кенгашлар ва ишчи гуруҳлар) кун тартиби ва якуний баённомалари лойиҳаларига киритиш.	Ҳукуматлараро комиссияларнинг ўтказилиши графигига асосан	Ташқи ишлар вазирлиги (<i>Комилов</i>), Давлат божхона кўмитаси (<i>Азимов</i>), “Ўзбекипаксаноат” уюшмаси (<i>Шарипов</i>)	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси (<i>Ғаниев</i>)
17.	Пиллачилик тармоғи корхоналарининг электр энергияси ва газ тармоқларига уланганлиги ҳамда узлуксиз таъминланганлиги ҳолатини ўрганиб чиқиб, мавжуд камчиликларни бартараф этиш бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритиш.	2019 йил 1 октябрь	Энергетика вазирлиги (<i>Мирзамахмудов</i>), “Ўзбекнефтгаз” АЖ (<i>Сидиқов</i>), “Худудий электр тармоқлари” АЖ (<i>Обиджонов</i>) ва “Ўзбекипаксаноат” уюшмаси (<i>Шарипов</i>)	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси (<i>Султонов</i>)
18.	1. “Ўзбекипаксаноат” уюшмаси таркибига кирувчи корхоналар томонидан тут кўчатларининг экилиши, ипак қурти уруғи ва пилла етиштириш, пиллани чуқур қайта ишлаш, ипак, ипак момиги ва ипакдан чуқур қайта ишланган маҳсулотлар экспортини амалга ошириш, инвестицияларни жалб этиш ва янги иш ўринларини яратиш бўйича прогноз кўрсаткичларининг тўлиқ бажарилишини мунтазам равишда мониторинг қилиб бориш;	Доимий	“Ўзбекипаксаноат” уюшмаси (<i>Шарипов</i>)	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси (<i>Қўчқоров, Ваҳобов</i>)

<p>2. Тут кўчатларини экиш, ипак қуртини парваришlash иншоотларини қуриш, пилла етиштириш ва уни чуқур қайта ишлашни ташкил қилиш, ипак маҳсулотлари экспортини амалга ошириш ва янги иш ўринлари яратиш бўйича белгиланган кўрсаткичларни таъминлашда сусткашликка йўл қўяётган “Ўзбекипаксаноат” уюшмаси таркибига кирувчи корхоналар бўйича уларга тақдим этилган имтиёزلарни қайта кўриб чиқиш юзасидан Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритиб бориш.</p>	<p>Заруриятга кўра</p>	<p>“Ўзбекипаксаноат” уюшмаси (Шарипов),</p>	
---	------------------------	---	--

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2019 йил 31 июлдаги ПҚ-4411-сон қарорига
6-илова

**Экспорт қилишда ҳаво ва темир йўллари транспортида ташиш
харажатларининг 50 фоизгача миқдорини компенсация қилишга
субсидиялар тақдим этиладиган маҳсулотлар
РЎЙХАТИ**

Т/р	Маҳсулот номи	Маҳсулотнинг ТИФ ТН коди
1.	Ипак гиламлари	5701101000, 5701901000
2.	Ипакдан ёки ипак чиқиндиларидан тўқилган бўялган матолар	5007205900, 5007206900, 5007903000, 5007909000
3.	Ипак толаси билан тўлиқ ёки қисман аралашмали пахтали матолар	5212139000, 5212149000
4.	Ипакдан қилинган трикотаж блузкалар, блузалар ва бошқалар	6106903000
5.	Ипакдан қилинган аёллар кўйлаклари	6204491000
6.	Ипакдан қилинган блузкалар, блузлар ва бошқалар	6206100000
7.	Ипакдан қилинган шолрўмоллар, шарфлар ва ҳоказо	6214100000
8.	Ипакдан қилинган галстук, капалак-галстук ва ҳоказо	6215100000

Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига киритилаётган ўзгартиришлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 мартдаги “Ўзбекипаксаноат” уюшмаси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–2856-сон қарорининг 7-банди учинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Ўзбекипаксаноат” уюшмаси таркибига кирувчи ташкилотлар ҳамда ипак курти уруғини ишлаб чиқариш, пиллани тайёрлаш ва қайта ишлаш ташкилотлари томонидан олиб келинадиган пилла йигириш ва ипак газлама тўқиш дастгоҳларининг эҳтиёт қисмлари, тут дарахти уруғи ва кўчатлари, ипак куртининг суперэлита, элита ва саноат уруғлари белгиланган тартибда тасдиқланадиган рўйхатлар бўйича божхона тўловларидан (божхона расмийлаштируви йиғимларидан ташқари) озод этилсин;”.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 4 декабрдаги “Республикада пиллачилик тармоғини жадал ривожлантиришни қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ–4047-сон қарорининг 5-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“5. Пиллачилик тармоғидаги лойиҳаларнинг қиймати, сони ва уларни амалга ошириш учун зарур бўлган валюта туридан қатъи назар, “Ўзбекипаксаноат” уюшмаси таркибига кирувчи ташкилотларнинг тутзорлар барпо қилиш, ипак курти уруғини сотиб олиш, пилла етиштириш, шу жумладан пилла етиштирувчи фермер хўжаликлари ва касаначиларга бўнак бериш, улар билан якуний ҳисоб-китобларни амалга ошириш, қурилиш ва реконструкция ишларини бажариш, шунингдек, ишлаб чиқариш қувватларини модернизация қилиш бўйича лойиҳаларини молиялаштириш мақсадида 2019 – 2022 йилларда ажратиладиган банк кредитлари фоиз харажатларини қоплаш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси ҳисобидан тижорат банклари томонидан белгиланган кредит ставкасининг 50 фоизи, бироқ 10 фоиздан ортиқ бўлмаган миқдорда компенсация тақдим этиш тартиби ўрнатилсин.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги 2019 – 2022 йиллар давомида ҳар йили 100 млрд сўм миқдоридаги маблағларни тегишли йилнинг 1 февралига қадар мазкур бандда назарда тутилган компенсацияларни тақдим этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш давлат жамғармасига ўтказиб берсин.”.

